

Ургут туман.

«20» июнь 2022 йил

Бундан буён «Сотувчи» деб юритилувчи МЧЖ «KELAJAK TA'MINOT KARVONI» помидан Устав асосида иш юритувчи директор С.Бахриев бир томондан ва бундан буён «Харидор» деб юритилувчи "Оқдарё туман ҳокимлиги" номидан қонун асосида иш юритувчи Ш.А.Қудратов иккинчи томондан куйидагилар ҳақида туздик.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ушбу шартнома 2.1.-бандида кўрсатилган Товарни сотиш, Харидор эса уни қабул қилиш ва ҳақини ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

2. ТОВАР ҚИЙМАТИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Товар тавсифи ва қиймати куйидагича:

№	Товарнинг номи	Нархи	Сони	Қ.Қ.С билан суммаси
1	Бензопила	1 450 000	10	14 500 000
2	Пульвеллизатор	1 695 000	16	27 120 000
3	Текув машинаси	1 495 000	20	29 900 000
4	Газонакасилка	875 000	10	8 750 000
ЖАМИ:				80 270 000

Товар қиймати: **80 270 000** (саксон миллион икки юз етмиш минг) сўм.

2.2. Ушбу шартнома буйича тулов куйидаги тартибда амалга оширилади: Шартнома икки томон ўртасида имзоланганидан сунг 10 банк куни ичида Сотувчига Маҳсулот олгунга қадар умумий сумманинг 30% миқдорда, маҳсулот олгандан сунг қолган сумманинг 70% қисмини тулаш ҳисоб-фактура расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 (ўн) календар кундан кечиктирмай амалга оширилади.

2.3. Тулов шакли: Пул утказиш йули билан амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Харидор Товар учун олдиндан тўлов амалга оширилгач 20 кун ичида Товарни Харидорга топшириш мажбуриятини олади;

3.2. Харидор Товар қийматини ушбу шартномада белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

4. ТОВАРНИНГ СИФАТИ

4.1. Товарнинг сифати ушбу гуруҳдаги товарлар учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, Сотувчи Харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги яозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни Товарни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган Товар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Харидор Сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 1998 йил 29 августдаги 670-І-сонли "Хўжалик

юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланади.

6. ИМЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

6.1. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса – суд орқали ҳал қилинади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари: зилзила, сув тошқини, бошқа табиий офатлар, оммавий тартибсизликлар, иш ташлаш, тарафларга қабул қилинган мажбуриятларини бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар туфайли юзага келган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Ишни бажаришга монелик қилаётган енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини ва ж килиб кўрсатаётган Тараф бу ҳақда бошқа Тарафни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

7.3. Ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш муддати енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари ва уларнинг оқибатлари бартараф этилгунга қадар чўзилади.

7.4. Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари юзага келганлиги ҳақида аввалдан хабардор қилмай ўз мажбуриятларини бажармаган Тараф уларни ва ж килиб кўрсатиш ҳуқуқини йўқотади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур Шартнома Тарафлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «20» ИЮН дан 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда ҳар иккала Тарафлар томонидан имзоланганда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Тарафлар юридик манзили, банк ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ёки ташкилот номининг ўзгариши ҳақида иккинчи томонга 10 кун муддат ичида маълум қилиши шарт.

9.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

«Сотувчи»

«Сотиб олувчи»

МЧЖ «KELAJAK TA'MINOT
KARVONI» Ургут т Мирзақишлоқ м.
х/р 20208000705817494001
СТИР307184043 МФО 00301
Микрокредитбанк Ургут
филлиали

Рахбар С. Бахриев



С. Бахриев
08.06.2009 й.

Ўзгасар Э. Турсун
Рахбар
х/р 305022860182037109601018001
ИИИ-201801230 ИИИ-00014
Меғназиев Боник ХКММ



Рахбар Ш. Қасимов

Ш. Қасимов
С. Савадгов
9к008245



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"KELAJAK TA'MINOT KARVONI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"KELAJAK TA'MINOT KARVONI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

28.02.2020

821614

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307184043

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Urgut tumani, Mirzaqishloq, Mirzaqishloq mahallasi

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Urgut tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

